



ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ КЎПАЙТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 22 ноябрь куни қайта тикланувчи энергия манбаларини кўпайтириш ва соҳани ривожлантириш масалалари муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Маълумки, нефть, газ каби анъанавий энергия манбаларининг захираси чекланган. Қолаверса, уларнинг табиатга зарари ҳам кўп. Шу боис, ривожланган давлатлар “яшил” энергетикага ўтмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар нафақат бугун, балки келажак учун жуда муҳим.

Мамлакатимизда ҳам бу борада катта ишлар бошланган. 2019 йил 21 майда “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида” қонун қабул қилиниб, соҳа ривожига асос яратилди. Хорижий инвесторлар жалб этилиб, кўплаб истикболли лойиҳалар ишлаб чиқилди.

Жорий йил августда Навоий вилоятида юртимиздаги илк қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилди. Келгуси ойда Самарқандда яна бир шундай станция фойдаланишга топширилади.

Умуман, 2022-2024 йилларда 3 миллиард АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига, жами қуввати қарийб 3 минг мегаваттли 10 та қуёш ва шамол электр станцияларини барпо этиш режалаштирилган.

Яқинда Шотландиянинг Глазго шаҳрида бўлиб ўтган иқлим бўйича халқаро саммитда Ўзбекистон 2030

йилгача иссиқхона газларининг ялпи ички маҳсулот бир бирлигига тўғри келадиган улушини 2010 йилга нисбатан 35 фоизга камайтириш ташаббусини эълон қилди. Бунинг учун барча асослар бор. Хусусан, 2026 йилга қадар мамлакатимизда қуёш ва шамол электр станциялари умумий қувватини 8 минг мегаваттга етказиш чоралари қўрилади.

Йиғилишда ушбу мақсад йўлидаги вазифалар, лойиҳаларни амалга оширишнинг молиявий ва ташкилий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Келгуси йилда Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Наманган ва Фарғона вилоятларида жами 900 мегаваттли яна 5 та қуёш электр станциясини барпо этиш бўйича инвесторлар танлови яқунланади.

Давлатимиз раҳбари, аввало, шу лойиҳаларга эътибор қаратиб, уларни ўз вақтида ишга тушириш юзасидан кўрсатмалар берди. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Энергетика вазирлигига халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Президентимиз йирик sanoat корхоналари ҳам ўз таъминоти учун қайта

тикланувчи энергия манбалари ташкил этиши зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, аҳоли ва тadbirkorларнинг қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишини қўллаб-қувватлаш кераклиги айтилди.

Келгусида қўриладиган қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш учун бутловчи қисмлар ва материалларни юртимизда ишлаб чиқариш орқали ҳам лойиҳаларни арзонлаштириш, ҳам маҳаллий корхоналар учун бозор яратиш мумкин. Шу боис, бундай маҳсулотларни маҳаллийлаштириш бўйича дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Бўлажак электр станцияларини сифатли ишлатиш учун малакали муҳандис ва ходимлар ҳам зарур. Давлатимиз раҳбари бу ишларни ҳозирданоқ бошлаш муҳимлигини таъкидлаб, Навоий шаҳрида кадрлар тайёрлаш марказини ташкил этиш, олий таълим муассасаларидаги ўқув дастурларини замонавий талаблар асосида янгилаш юзасидан кўрсатмалар берди.

Йиғилишда Қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш стратегияси тақдими ўтказилди.

ЎЗА

МАДАНИЯТ ВА СПОРТ МАЖМУАЛАРИ ЛОЙИҲАСИ ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида Тошкент шаҳрида амалга оширилиши режалаштирилган бунёдкорлик лойиҳалари тақдими ўтказилди.

Улардан бири — Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи бўлиб, Адиблар хиббонига туташ ҳудудда қурилади. Ушбу мажмуа музей билан бирга илмий тадқиқот маркази, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, мактаб ва ётоқхонани ўз ичига олади.

Ўзбекистон Миллий боғи яқинида

Президент кутубхонаси қурилиши ҳам режалаштирилган. У 4 қаватли бўлиши, бир вақтда 1 минг 400 дан зиёд ўқувчига хизмат кўрсатиши кўзда тутилган. Кутубхонада 1 миллион 500 мингта китоб сақланиши билан бирга электрон адабиётлар, мультимедиа маҳсулотлари ҳам бўлади.

Давлатимиз раҳбари бу мажмуаларни қуришда энг замонавий технологиядан фойдаланиш, билимсеварларга барча қулайликларни яратиш бўйича кўрсатмалар берди.

Тақдимотда Олимпия шаҳарчаси лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Й И Ш И

2022-2023 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари дастурини ишлаб чиқиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида

Маъмурий ислохотларни изчил давом эттириш йўлида ўз ечимини қутаётган масалаларни ҳал этиш, Янги Ўзбекистон шароитида давлат

бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти тизимининг самарадорлигини ошириш, улар фаолиятини натижадорликка йўналтириш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва “мобиль бошқарув апарати”ни яратиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловолди дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентини лавозимига қириши маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маъ-

рузаси доирасида илгари сурилган ташаббус ва таклифларни реализация қилиш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

2022-2023 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари дастурини ишлаб чиқишни мувофиқлаштирувчи республика комиссияси (кейинги ўринларда — Комиссия) 1-иловага мувофиқ;

Давлат бошқаруви органларининг мақомини белгилаш, тузилмаларини такомиллаштириш ва штат бирликларини мақбуллаштириш юзасидан таклифларни ишлаб

чиқиш бўйича ишчи гуруҳи 2-иловага мувофиқ;

Давлат бошқаруви органлари фаолиятида рақамли технологиялар, очкилик ва давлат-хусусий шериклики ривожлантириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳи 3-иловага мувофиқ;

Давлат бошқаруви органларининг моддий-техника таъминотини такомиллаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳи 4-иловага мувофиқ;

▶ Давоми 2-бетда

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

ИЛМ-ФАН ВА МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ — МУШТАРАК ТУШУНЧА

Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек сингари улуг аждодларимиз тамал тошини қўйган математика фани илм-фан ва техниканинг замонавий тармоқлари жадал ривожланиб бораётган ҳозирги кунда янада катта аҳамият касб этмоқда.

Юртимизда математика фанининг ривожланишида В.И.Романовский номидаги Математика институтининг салмоқли ҳиссаси бор. В.Романовский, Т.Саримсоқов, С.Сирожиқдинов, М.Салоҳитдинов, Т.Жўраевнинг саъй-ҳаракатлари билан барпо этилиб, дунё математика ҳамжамияти томонидан тан олинган функционал анализ ва алгебра, дифференциал тенгламалар, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика илмий мактаблари алоҳида эътирофга лойиқ.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари қўшма



мажлисидаги нутқида “Юртимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш учун бизга замонавий илм ва яна бир бор илм, тарбия ва

яна бир бор тарбия керак. Бугунги ва эртанги кунимизни, ёшларимиз тақдирини ҳал қиладиган юксак малакали муаллим ва мураббийлар,

профессор-ўқитувчилар, ҳақиқий зиёлилар керак”, деб алоҳида таъкидлади.

▶ Давоми 3-бетда

БУТУНЖАҲОН КЎРГАЗМАСИ



EXPO
2020
DUBAI
UAE

“ЕХРО—2020”: ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁГА КЕНГ МАДАНИЙ ДАСТУРЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ

Шу кунларда БААнинг Дубай шаҳрида “ЕХРО—2020” бутунжаҳон кўргазмаси бўлиб ўтмоқда. Коронавирус билан боғлиқ пандемия шароити сабаб жорий йилга қолдирилган мазкур нуфузли тадбирда дунёнинг 190 дан зиёд мамлакатидан турли соҳа вакиллари иштирок этиб, илмий ва инновацион ишланмалар, иқтисодий тармоқ ютуқлари, маданий мерос ва сайёҳлик имкониятлари, инвестиция имкониятларини кенг намойиш этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, 2022 йил 31 мартга қадар мўлжалланган бутунжаҳон кўргазмасида Ўзбекистон ҳам муваффақиятли қатнашмоқда. Хусусан, “ЕХРО—2020 Dubai”да Ўзбекистон миллий павильони бўйлаб сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида эришилган илмий ва иқтисодий ютуқлар, маданий мерос, сайёҳлик салоҳияти, шунингдек, янги Ўзбекистонни ривожлантириш режаси, мамлакатнинг инвестиция имкониятлари халқаро жамоатчиликка кенг намойиш этиляпти.

Бунда мамлакатимиз миллий павильони маданий дастурларининг расмий ҳамкори сифатида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси иштирокини ҳам алоҳида эътироф этиш уринли.

Жамғарма дунё мамлакатлари нигоҳи қаратилган нуфузли кўргазманинг 6 ойлик фаолияти давомида бир қатор муҳим маданий тадбирларни ўтказишни режалаштирган.

▶ Давоми 2-бетда



“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС



Хориждан муносабат:

Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари ўртасида мунтазам фикр алмашиш минтақа барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга

Хорижий экспертлар ҳамжамияти вакиллари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 19 ноябрь куни Россияга ташрифи яқунлари ҳақидаги фикрларини билдиришда давом этмоқда.

Солиҳ Йилмас, “RUSEN” Россия ва МДХ давлатларини ўрганиш институти директори: — Ўзбекистон ва Россияни стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатла-

ри боғлаб туради. Ташриф чоғида Шавкат Мирзиёев Владимир Путин билан ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалаларини муҳокама қилди, 18 та икки томонлама ҳужжат имзоланди.

Ўзбекистон ва Россия ўртасида Халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Қўшма баёнот қабул қилингани келажакда ахборот технологияларидан ноқонуний тарзда фойдаланиш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган низоларни тинч йўл билан ҳал этишга эришиш имконини беради.

▶ Давоми 4-бетда

8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

ИНСОН ҚАДРИНИНГ ҲАЁТБАХШ КУЧИ

Инсон ва унинг манфаатлари том маънода олий қадрият даражасида бўлиши Конституция ва қонун устуворлиги таъминланиши билан бевосита боғлиқ. Соҳибқирон Амир Темуր ҳам мамлакатни идора қилишда қонунларнинг ҳаётий кучини алоҳида эътироф этиб, “Яна тажрибада кўриб билдимки, давлат агар дини ойин (тартиб) асосида қурилмас экан, тўра-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукҳи, қудрати ва тартиби йўқолади”, деб ёзиб қолдирган.

унинг манфаатлари туради. Асосий қонун инсон омилидан куч олади ва тирик организм каби халқ ҳаётининг ажралмас бўлагига айланади. Бу эса, ўз навбатида, демократиянинг фундаментал қадриятлари Конституция нормалари орқали кундалик ҳаётда акс этишига, пировардида, мамлакатда конституционализм ўрнатилишига олиб келади.

Бугун бутун дунёда барчани бирдек таъшишга солаётган COVID-19 пандемияси жиддий иқтисодий ва ижтимоий оқибатларга олиб келаятган бир шароитда, бу қадриятларга эътибор ҳар қачонгидан ҳам устуворлик касб этмоқда.

▶ Давоми 4-бетда



Буюк мутафаккир Алишер Навоий беш аср аввал инсон ва унинг кадр-қиммати ҳақида дунёнинг бино бўлмоғидан асл муддао инсон экани ҳақида қуйидагича ёзади:

Ганжик аро нафд фаровон эди,
Лек боридин ғараз инсон эди.

Дарҳақиқат, ҳар қандай давлатнинг Асосий қонунни марказида инсон ва

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Й И Ш И

2022-2023 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари
дастурини ишлаб чиқиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида

Бошланиши 1-бетда

Давлат бошқаруви органларининг кадрлар салоҳиятини такомиллаштириш юзасидан тақлифларни ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳи 5-иловага мувофиқ;

Давлат бошқаруви органларида коррупциянинг олдини олиш юзасидан тақлифларни ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳи 6-иловага мувофиқ;

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш юзасидан тақлифларни ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳи 7-иловага мувофиқ ташкил этилсин.

2. Комиссиянинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

маъмурий ислохотларни амалга оширишда давлат бошқаруви органларининг фаолияти ўзаро келишилган тарзда, самарали олиб борилишини, суствашликлар ва масъулиятсизликка йўл қўймаслигини таъминлаш, шунингдек, ишчи гуруҳлари ишини пухта ва сифатли ташкил қилиш, мазкур фармойишда белгиланган чора-тадбирлар билан бир қаторда уларнинг қўшимча вазифа ва функцияларини белгилаш;

вазирликлар, давлат қўмиталари, қўмиталар, агентликлар, инспекциялар, марказлар ва бошқа давлат бошқаруви органлари (кейинги ўринларда — вазирлик ва идоралар)нинг давлат сиёсатини амалга ошириш, назорат функцияларини бажариш, жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматларини кўрсатиш соҳасидаги функцияларини бўлиш;

вазирлик ва идоралар фаолиятида аниқ кўрсаткичлар ва мақсадли индикаторларга эришиш тизимини жорий қилиш;

давлат бошқаруви асослари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг замон талабларига мос равишда пухта ишлаб чиқилиши ҳамда киритилишини таъминлаш.

3. Ишчи гуруҳлар раҳбарлари Р.Қ.Давлетов, Ш.Х.Шерматов, Т.А.Ишметов, О.А.Хасанов, Н.Т.Йўлдошев, Д.А.Кучкаров 2022-2023 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари дастури лойиҳасига тақлифлар 8-иловада белгиланган асосий устувор йўналишларни инobatта олган ҳолда ишлаб чиқилишини таъминласин.

4. 2022-2023 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотлари дастурининг лойиҳасини ишлаб чиқиш схемаси 9-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

мазкур фармойишнинг 2-7-иловаларига мувофиқ ташкил қилинаётган ишчи гуруҳлари томонидан тайёрланган тақлифлар ишчи гуруҳи раҳбарининг имзоси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилди;

тақлифлар тақдимот кўринишида тақдим қилинади ҳамда уларга тахлилий маълумотнома ва жадваллар, ривожланган мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш бўйича маълумотнома ва бошқа материаллар, шунингдек, зарур ҳолларда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари илова қилинади (кейинги ўринларда — тақдимот материаллари);

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда ишчи гуруҳлари билан биргаликда тақдим қилинган тақдимот материалларини кўриб чиқади ҳамда Комиссияга киритади;

Комиссиянинг ййғилишида тақдимот материалларини шахсан ишчи гуруҳлари раҳбарлари тақдимот қилади.

6. Белгилансинки, ишчи гуруҳи аъзолари асосий иш жойидаги вазифалардан тўлиқ озод қилинади ҳамда тегишли давр мобайнида улар учун қонунчиликда белгиланган барча шарт-шароитлар сақлаб қолинади.

Вазирлик ва идоралар раҳбарлари икки кун муддатда ишчи гуруҳлари таркибига киритилган аъзолар белгиланган тартибда ўз ишида тўлиқ фаолият юритишини таъминласин.

7. Ишчи гуруҳлари раҳбарлари Р.Қ.Давлетов, Ш.Х.Шерматов, Т.А.Ишметов, О.А.Хасанов, Н.Т.Йўлдошев, Д.А.Кучкаров:

уч кун муддатда ташкилий ййғилишларни ўтказиб, тегишли йўналиш доирасида белгиланган вазифалар сифатли ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш бўйича саволнома, тармоқ графиги ва тақдимот материаллари намуналарини тасдиқласин ҳамда ишчи гуруҳи аъзоларининг вазифалар тақсимотини белгиласин;

ишчи гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил қилиш учун барча зарур чораларни амалга оширсин;

ҳар кунги тегишли ишчи гуруҳлари томонидан тайёрланаётган тақлифларнинг муҳокамасини ташкил этиб бorsин, зарур ҳолларда, ушбу ишларни бошқа ишчи гуруҳлари билан биргаликда амалга оширсин;

тақлифларни тайёрлаш жараёнида ишчи гуруҳлари ўртасида самарали ва доимий коммуникация ҳамда ҳамкорликни йўлга қўйсин;

2022 йил 20 январга қадар ишчи гуруҳлари томонидан ҳар томонлама асослантирилган тақлифлар ишлаб чиқилишини ва уларнинг манфаатдор вазирлик ва идоралар, шу жумладан,

маҳаллий ҳокимликлар билан келишилишини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилишини таъминласин.

8. Ишчи гуруҳлари раҳбарларига: белгиланган вазифаларни амалга оширишда вазирлик ва идоралар, илмий ва таълим муассасалари, халқаро ташкилотлар мутахассислари, шунингдек, маҳаллий ҳамда хорижий эксперт ва маслаҳатчиларни жалб қилиш; журналист ва блогерларни жалб қилиш ҳамда тайёрланаётган тақлифларни оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда ёритиш, белгиланган вазифалар бўйича сўровномалар ташкил қилиш ҳуқуқи берилсин.

9. Ташқи ишлар вазирлиги (А.Х.Камилов): ишчи гуруҳларининг сўровларига асосан Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналарини жалб қилган ҳолда тегишли масалалар юзасидан ривожланган давлатларнинг тажрибасини чуқур ўрганиб, улар бўйича маълумотларнинг тезкор тақдим этилишини таъминласин; ушбу маълумотларни тайёрлашда хорижий давлатларнинг нуфузли экспертлари, олимлари ва мутахассислари билан учрашувлар ва муҳокамадан ўтказиш (шу жумладан, видео-конференцалоқа шаклида), улардаги асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таржима қилиш чораларини кўрсин;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда халқаро ташкилотлар ва халқа-

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2021 йил 22 ноябрь

Ш. МИРЗИЁЕВ

БУТУНЖАҲОН КЎРГАЗМАСИ

“EXPO–2020”: ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁГА КЕНГ МАДАНИЙ
ДАСТУРЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ

Бошланиши 1-бетда



Саïда МИРЗИЁЕВА,
Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси кенгаши раиси ўринбосари:
— Бугун Ўзбекистон дунёга очик, ижобий тажриба орттиришга тайёр мамлакат сифатида танилиб улгурди. Шу маънода, “EXPO–2020” бутунжаҳон кўргазмасида хориждаги дўстларимиз билан ўзаро илғор тажрибаларни алмашиш, самимий мулоқотга киришар эканмиз, юртимизнинг маданий салоҳиятини халқаро майдонда самарали тарғиб этиш учун янги пойдевор қўймоқдамиз.

2022 йилда Ўзбекистон ва БАА ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигини нишонлаймиз. Бу — бизни ўзаро ишонч, бир-биримизни янги ютуқлар сари илҳомлантириш, турли соҳаларда кенг қамровли мулоқот қилишга замин яратган уч самарали ўн йиллик сифатида қадрланади. Шу маънода, Ўзбекистоннинг “EXPO–2020” бутунжаҳон кўргазмасида иштирок этиши, аввало, нуфузли халқаро тадбир мезбонини сифатида Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа иштирокчи мамлакатлар билан юқори даражадаги мулоқотга қўшимча суръат бахш этадиган муҳим воқеадир.



Мона Ганем Ал МАРРИ,
Дубай ҳукумати матбуот бўлими бош директори, БАА гендер баланси кенгаши вице-президенти:
— “EXPO–2020” кўргазмасида 191 мамлакатнинг иштироки, замонамизнинг энг муҳим ютуқларини намойиш қилувчи ҳамда турли соҳалардаги кашфиётларни бирлаштирадиган ҳақиқий глобал майдондир. Ушбу кўргазма БААнинг олтин юбилейини нишонлаш йилда ўтказилаётгани, мамлакатимизнинг миллий ютуқларини, шунингдек, кейинги 50 йил ва ундан кейинги даврларга мўлжалланган режалари ҳақида рамзий маънога эга. Юртимиз олтин юбилейини нишонлаш бутун жаҳон иштирокида амалга оширилаётгани, албатта, бизни келажакка ишонч билан қарашга ундайди. Биз Ўзбекистонни меҳмон сифатида қутлаймиз ва Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси, айниса, унинг Дубайдаги ташаббуслари ишига юксак баҳо берамиз. Ушбу дастур ва Павильон мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликни бир неча устувор йўналишлар бўйича мустаҳкамламоқда. Бу БАА ва Ўзбекистон раҳбарияти ҳамда халқлари ўртасидаги ҳамжиҳатлиқни акс эттиради.



Гаяне УМЕРОВА,
Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори:
— Бу сафарги “EXPO–2020” бутунжаҳон кўргазмаси илк маротаба Яқин Шарқда бўлиб ўтмоқда. Унда Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармасининг иштироки, Ўзбекистоннинг бебаҳо меросини, мамлакатимиз ва Араб дунёси ўртасидаги бой маданий алоқаларни, асрлар давомидида шаклланган Ислом цивилизацияси ҳақида бутун дунёга сўз юритишнинг ноёб имкониятидир. Ушбу маданий қатламни асос қилиб олган ҳолда, Ўзбекистонни инсоният манфаати учун келажақни яратиш, умумий қадриятларни шакллантиришга ёрдам берадиган илғор фикрлаш ва ижодий салоҳиятга эга мамлакат сифатида янгича тарзда тақдим этиш биз учун ҳам муҳимдир.

Таъкидлаш жоизки, мазкур бутунжаҳон кўргазмасида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси бир қатор тадбирларини ўтказишни режалаштирган. Жумладан, 27 ноябрь кун **“Dubai Opera”** сахнасида **“Лазги — қалб ва муҳаббат рақси”** балетининг халқаро тақдимоти қутилмоқда.

Тадбир чоғида аудиторияга ўзбек халқининг асл аъналарини намойиш этган Хоразм рақсининг мутлақо янги тарқини тақдим этилади. “Лазги — қалб ва муҳаббат рақси” балетининг сахналаштирилиши Ўзбекистон балетини янги босқичга олиб чиқди ва илк бор дунё бўйлаб савъатини бошлади. Негаки, бутунжаҳон кўргазмаси доирасида мазкур балет илк бор **“Dubai Opera”** кўп форматли Санъат маркази сахнасида намойиш этилади.

Эслатиб ўтамиз, Раймондо Ребек томонидан сахналаштирилган ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри балет труппаси ижро этган спектаклнинг илк тақдими жорий йил 5 сентябрь кун Тошкентда, ЮНЕСКО ҳомийлигида бўлиб ўтди ҳамда профессионал ҳамжамиятнинг юксак эътирофига сазовор бўлди. 2019 йил 12 декабрь кун ЮНЕСКОнинг номодий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича ҳукуматлараро қўмитаси “Хоразм рақси — Лазги”ни инсониятнинг номодий маданий мероси вақиллик рўйхатига киритди.

29 ноябрь кун **“EXPO–2020”** бутунжаҳон кўргазмаси Аёллар павильонида Ўзбекистоннинг **“Жамият ижтимоий ҳаётини модернизациялашда хотин-қизларнинг ўрни”** мавзусида сессияси бўлиб ўтиши режалаштирилган.

“EXPO–2020” кўргазмасида Cartier Women’s Initiative билан ҳамкорликда махсус Аёллар павильони очилди. Ушбу павильон аёллар ва уларнинг глобал масалалардаги ўрнига бағишланган. Аёллар павильони тажриба алмашиш ва дунёда гендер тенгликни таъминлаш учун ишланган стратегияларни илгари суриш учун халқаро майдончадир. Бу павильон БАА гендер баланси кенгаши раиси Манал бинт Муҳаммад бин Рашид Ал Мактум — Бош вазир ўринбосари ва президент ишлари бўйича вазир Шайх Мансур бин Зоид Ал Наҳаянинг рафикаси томонидан ташкиллаштирилган.

Аёллар павильони, бу — жамиятда аёлларнинг ролини кучайтиришни қўллаб-қувватлаш мақсадидаги конструктив мулоқотларни ўтказиш, ривожлантириш бўйича жаҳон етакчилари ва мутахассисларини учраштирадиган майдон. Ушбу павильон **“EXPO-2020”**нинг гендер тенглиги ва аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга содиқлигини тасдиқлайдиган ижодий контент ва дастурларни тақдим этади. Шунингдек, павильонда инсоният тарихида ва бугунги кунда аёлларнинг аҳамиятига бағишланган “Янги истиқболлар” кўргазмаси намойиш этилмоқда.

Павильоннинг асосий мақсади аёллар гуллаб-яшнаганда бутун инсоният ҳам ривожланишини кўрсатишдир.

Ана шу павильонда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси томонидан “Маданият соҳасида хотин-қизларнинг ўрни” мавзусига бағишланган сессия ташкил этилиши ҳам мақсад қилинган.

30 ноябрь кун **“Jubilee Park EXPO–2020”** сахнасида пианино ижроси Бехзод Абдураимовнинг концерт дастури бўлиб ўтади.

Б.Абдураимов бутун дунёдан ташриф буюрган томошабинлар эътиборига Лист, Бетховен, Шопен, Муссорский, Прокофьев ва Чайковскийларнинг машҳур классик асарларини тақдим этади.

Лондондаги халқаро пианиночилар танлови ғолиби Бехзод Абдураимов В.А.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусика лицейида ва Кансас-Сити шаҳридаги Парк университети қoшидаги халқаро мусика марказида таъсил олган.

Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси 19-21 декабрь кунлари **“Ал Бурда” фестивалида** Ўзбекистон халқ мусикали ижодиёти, миллий фильмларини намойиш этади, шунингдек, **“Шаҳар ҳаёти: Ислом маконини эъгарттириш”** мавзусидаги панель муҳокамасида қатнашади.

“Ал Бурда” — БААнинг Маданият ва тараққиёт вазирлиги ҳомийлигида ишлайдиган кўп тармоқли платформа. Бу ижодий раҳбарлар, олимлар, рассомлар ва жамоа аъзолари учун ҳамкорлик қилиш, фикр алмашиш, Ислом санъати ва маданияти ғояларини биргаликда яратиш учун глобал макон саналади. Фестивалнинг мақсади ёш авлод ўз маданий бойликларини янада чуқуროқ ўрганишини ҳамда жамиятда Ислом маданиятининг ўрнини мустаҳкамлашдан иборат.

Эслатиб ўтамиз, “EXPO” бутунжаҳон кўргазмаси 1851 йилда Лондонда ташкил этилганидан буён ҳар 5 йилда ўтказилади ва дунёдаги энг қадимги, энг йирик тадбирлардан бири ҳисобланади. Тадбир ўзининг 170 йиллик тарихи давомида ихтиро ва технологияларни намойиш этувчи майдонга айланди. 1873 йилда Вена шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон кўргазмасида техник ва саноят янгиликларидан ташқари, бир қатор баъдий маҳсулотлар намойиш этилди. Ушандан буён маданият ва санъат бутун дунё бўйлаб “EXPO” дастурининг ажралмас қисмига айланди.

Ўзбекистон павильонининг ғояси тарихда илк бор Яқин Шарқ худудида бўлиб ўтаётган “EXPO-2020”нинг “Ақл-идроқни бирлаштириб, келажақни яратамиз” номли асосий мавзуси билан ҳамохан акс этмоқда.

Ўзбекистон 2021 йил 1 ноябрда Буюк Британиянинг Кенгайтирилган преференциялар Бош тизими (GSP) аъзолигига расман қабул қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН БУЮК
БРИТАНИЯНИНГ
КЕНГАЙТИРИЛГАН GSP
ТИЗИМИГА ҚЎШИЛГАН
БИРИНЧИ ДАВЛАТ
БЎЛДИ



Шу муносабат билан 22 ноябрь кун мамлакатимизнинг тизимга қўшилишга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир Буюк Британиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ва Ўзбекистон Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилди.

Қиролчаниннинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё бўйича савдо комиссари Кенан Полео брифингда иштирок этиш мақсадида Ўзбекистонга илк расмий ташрифи билан келди. У Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умурзоқов билан учрашди.

Кенгайтирилган GSP тизими бенефициари мақоми берилишининг сабабларидан бири Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари, меҳнат стандартлари, атроф-муҳит ва самарали бошқарув соҳасидаги 27 та асосий халқаро конвенцияни муваффақиятли ратификация қилгани бўлди.

Мамлакатимиз ушбу тизимга қўшилган биринчи давлат ҳисобланади. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган 7 минг 800 дан ортиқ товарларга мутлақо импорт бож тўлови йўқлигини инobatга олган ҳолда, иккала давлат ҳам ўзаро савдо алоқаларини кенгайтириш тарафдори.

Қайд этилишича, GSP тизими Ўзбекистонга умумий қиймати 437 миллиард фунт стерлингдан ортиқ дунёнинг бешинчи энг йирик иқтисодийети ва етакчи халқаро истеъмол ва чакана савдо бозорига кириш имконини беради.

Буюк Британия учун эса бу минтақавий марказ бўлиб хизмат қиладиган ва минтақавий энг ривожланаётган бозорига киришни оsonлаштиради. Шунингдек, Ўзбекистоннинг ноёб тўқимачилик, кишлоқ ҳўжалиги ва бошқа турли хил маҳсулотларига йўл очади.

Бехруз ХУДОЙБЕРДИЕВ,
ЎЗА МУХБИРИ

Албатта, бу каби муваффақиятлар барчамиз-ни мамнун этиш баробарида Ўзбекистон фанини янада юксакларга кўтариш, илм-фанини ривожлан-тириш, янги авлодни тарбиялашда янада чуқур масъулият юклайди. Зотан, янги Ўзбекистонни бунёд этишдек юксак мақсад йўлидаги ислохот-лар Ватанимиз равнақи ва ҳаёндаги нуфузини янада оширишга ундайверади.

— Сиз бирмунча йил аввал оилангиз билан Швецияга кўчиб кетган экансиз. Андижон тупроғи билан хайрлашиш осон кечмаган бўлса керак?

— Швецияга келганимда 13 ёшда эдим. Барибир киндик қонинг туқилган масканнинг қадрини фаёзи бошқача бўлади. Ота-онам кетиш тарадудига тушган кундан бошлаб қалбимда безовталик бошланган. Тўғри, чет элга чиқиш иштиёқиди ҳаяжонландим ҳам... Лекин қадрдон мактабим, меҳрибон ўқитувчиларим, ошоналарим билан қувлашиб ўйнаган маҳалламиз хиди... Кўчамизда ўсган дараклар, очилган гуллар... Юрагимга ўрнашган илк таассуротлардан бирдан айрилиш осон эмас эди. Бироқ дадамнинг демократияга интилиши, ҳатъияти ва қурашувчанлиги менга катта қуч бағишлаган.

Дадам бизга китоб совға қилишни яхши кўрарди. Уша китобларнинг барчасини сумкамга жойлаганман, лекин ўзим энг яхши кўрган асар — Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романини атай қолдириб келганимман. Бир кун юртимизга, албатта, қайтиб келишимга умид қилганман. Бу менинг уша давр муҳитига бўлган кичик бир исёним бўлгандир балки...

— Сиз бир пайтлар ҳаттоки отангиз изидан бориб, қучли сиёсатчи бўлишга аҳд қилган экансиз...

— Отам оддий муаллим бўлса-да, фикри ўткир ва ташаббускор инсон бўлгани боис, СССР халқ депутати даражасига етган. Шу сабаб уйимизга жуда кўп инсонлар ўз муаммолари билан келар, улар билан кечган суҳбатларда атрофимизда содир бўлаётган воқеликларни тезроқ англаб етишга, фикрлашга ҳаракат қилар эдим. Қолаверса, сиёсатга қизиқишимга сабаб бўлган омиллардан бири шуки, миллий тарихимизга оид китобларни кўп мутолға қилганман. Шу боис, мактабдаги дарс жараёнида ўқитувчиларим айтётган мулоҳазалар ва маълумотларни бемалол таҳлил ва танқид қила олар эдим. Албатта, бу ўзбошимчалигим мактаб раҳбариятига ёқмас, директор хонасида тез-тез дақиқ эшитиб туришга тўғри келарди.

Швецияда ўз сиёсий қизиқишларим доирасида сиёсий партиялардан бирида фаолият юритганман. 18 ёш пайтимда бўлиб ўтган умумий сайловда Хельсинбурдан сайланган маҳаллий сиёсатчига айланганимга оғс қолган. Лекин энг охириги дақиқаларда тақдирим ва ҳаётим иқтисод йўналиши билан чамбарчас боғлиқ эканини англаб қолганман. 2007 йилда Lund университетининг бизнес бошқаруви бўйича магистрик даражасини олганман. Шу кунгача кечган давр мобайнида дастур битирувчиси, хатар таҳлилчиси, муносабатлар менежери, мулкни бошқариш бўлими бошлигининг ижрочи маслаҳатчиси, активлар ва мулкни бошқариш бўлими бошлиғи, трансчегаравий Nordea Private Bankнинг интер миллий миқозлари раҳбари сифатида фаолият юритдим. Ўтган ой менга Стокгольмда Нордеа ҳудудда Шимолий Европадаги хусусий банкларнинг халқаро бўлинмасини ташкил этиш вазифаси юклатилди.

— Ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларингизда Ўзбекистондаги сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларни таҳлил қилган ҳолда, қўллаб-қўйиб мулоҳазалар қолдиргансиз. Бу янгиликлар ўз ватанидан олисда яшашга мажбур бўлган сиз каби ҳақиқатқўй инсонларга узоқ кутилгани билан нияҳотда қадрли. Шундай эмасми?

— Албатта, бу изтиробли ва машаққатли йиллар оиламизни катта синовдан ўтказди, десам адашмаган бўламан. Отам билан шу мавзуда жуда кўп мунозара қиламиз. Тан олиш керак, Шавкат Мирзиёев раҳбар бўлганидан буён одамларимизда сиёсий фалоник анча кучайди. Тўғриси, мен одамлар ҳатто оддий ижтимоий муаммоларини гапиролмайдиган бў



мамлакатда кимдир поракўрлик, қийноқлар ва бошқа муаммоларни очик гапирол бошлашини кутмагандим. Ҳозирги кунда ижтимоий тармоқларда қўччиликнинг бемалол сиёсатга аралашиб, қўччиликни қўрқамиз. Халқ учун деб очилган виртуал қабулхоналар аҳолининг арз-додини ҳал қилиш, шу муаммолар борлигини гапиролшга ўргатаётганининг ўзи ҳам бир яхшилик. Озгина бўлса-да, қўрқув чекиниб, одамлар ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун қурашишни ўрганишлари яхши бир мактаб, деб ўйлайман. Бироқ Ўзбекистон аҳолиси ва, айниқса, ёшларнинг ақсариёти ижтимоий тармоқлардан қўччиликдан восита сифатида фойдаланадилар. Сиёсатга ва, умуман, Ўзбекистондаги ҳозирги ҳолатга бироз бефарқлар. Бу билан мен қизиқувчилар йўқ, демоқчи эмасман, бор, лекин кам. Шу ва юқориди келтириб ўтган сабабларим тўғрисида ўзбек ёшларини сиёсат оламига янада кўпроқ олиб кириш керак, деб ўйлайман. Қанончи, биз ўз ҳуқуқларимизни яхши билсакки, бугунги шафқатсиз глобал дунёда қўччи бўла оламиз.

— Ўзбекистон равнақи учун келгусида қандай ишларни амалга ошириш орузсидаисиз?

— 2006-2007 йилларда Шимолий Европанинг энг йирик банки ҳисобланган Nordeaда ишладим. Стратегик фикрлаш бобиди қучли ва ташаббусларни натижаларга айлантира олган инсонгина иқтисод йўналишида муваффақиятга эриша олади. Ҳар қандай вазиятда айни имконларимни борица ишга солишга ҳаракат қиламан. Мени ҳаракатлантирувчи қуч — ҳар доим миқозларимиз ва ходимларимиз учун янги-янги имкониятлар яратишга интилиш. Банк жамиятда муҳим роль ўйнайди. Дейлик, сиз ўш, машина ва компания сотиб олишни хоҳлайсиз. Шу истақларингиз билан нафақат ўзингизнинг, балки атрофингиздаги инсонларнинг ҳам орузларини амалга оширган бўласиз. Ўзбекистон банкларида ҳам Швеция банкларидаги каби шароит ва имкониятлар яратилишини истаيمان. Масалан, Nordea банки Дания, Финляндия, Норвегия, Швеция ва Эстония, Латвия ва Литва давлатларида фаолият юритади. Унинг 11 миллион миқозини бор.

Nordeaning бозор қиймати 28 миллиард евро. Умумий активлари 555 миллиард евро. Банк бошқарувидаги капитал 324 миллиард евроини ташкил этади. Мен келгусида ўзим фаолият юритаётган банк тажрибасини Ўзбекистонда ривожлантиришмоқчиман. Шу боис, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўз лавозимига тайинланганида ўз фуқа

ролари учун ишлайдиган давлат яратиш истагида эканини эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Аммо бу улкан ўзгариш ва янгиликлар уларни амалга ошириш қобилиятига эга бўлган юксак истеъдодли ҳамда қуч-ғайратли, жасоратли мутахассисларни талаб қилади.

— Швеция турмуш фаровонлиги бўйича Европа Иттифоқининг етакчи давлатларидан. Юртимизда иқтисодийни модернизация қилиш борасида кенг қўламли ислохотлар давом этаётган бир шароитда бутун дунёда тан олинган ноёб ва илғор швед тажрибаси катта қизиқиш уйғотади.

— Швеция — ажойиб мамлакат. Ҳар бир жаҳадаги фаолият фуқаролар эҳтиёжига асосланади, адолат нияҳотда қадрланади. Мени кўпроқ қизиқтирган жиҳати шундаки, давлат биринчи ўринда ўз фуқаролари учун ишлайди ва сизда бир-бирингизга нисбатан қучли бирдамлик туйғусини уйғотади. Швеция халқи ҳуқуқматга ва унинг раҳмхўрлик қобилиятига катта ишонч билан қарайди. Шу боис, Швеция ўз фаровонлигини молиялаштириш учун дунёдаги энг юқори солиқлардан бирига эга. Бизнинг миллий урф-одатларимиздан фарқли ўлароқ, шведлар оилада ҳақиқатан ҳам либерал қарашга эга. Бу оилада ота-она фарзандларини воғга етгунига қадар парвариш қилади. Кейин фарзандлар бошқа уйга кўчиб ўтиб, ўз келажаги ҳақида ўзлари қайғуришади. Бундай пайтда ота-она ўғил-қизларига 18 ёшгача тўпланган нафақани, шунингдек, улар оёққа туришларида керак бўладиган молиявий ёрдамини беришади. Фарзандларингиз қандай



йўлни танлашдан қатъи назар, уларнинг фикрини қабул қиласиз ва оқ йўл тилайсиз.

Швеция ёшлари сиёсатга унчалик қизиқвермайди. Лекин улар экология ва иқлим масалаларида жуда фаол. Ҳамма жойда бўлгани каби ижтимоий тармоқлар тўғрисида улар ҳам китобхонликка қизиқиш сусайган. Шундай бўлса-да, Швеция таълим ва инсон тараққиёти соҳасида намуна давлат. Мамлакатда таълимга йўналтирилган давлат маблағи ялпи ички маҳсулотнинг 6,8 фоизига тенг. Бу ЕИнинг 28 мамлакатидида ўртача кўрсаткич (4,6 фоиз)дан 1,5 баробар кўп дегани. Швеция аҳолиси маълумоти даражаси бутун дунё бўйича ўртача кўрсаткичдан сезиларли даража юқори.

2019 йилда Ўзбекистон ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича халқаро индексда 8 поғона кўтарилиганига қарамай, қўллаб-қўйиб ва идоралар, корхоналар рақамли технологияларни тўлиқ жорий қилишга эришса олмади. Дунёда интернетдан фойдаланувчи аҳоли XX1 асрда 2 баробардан зиёдроқ ортиб, ўшбу кўрсаткич 2000 йилдаги 45,7 фоиздан 2017 йилда 95,5 фоизга етди. Швецияда эса, интернет маълумотларини энг тезкор етказувчи воситага айланган: 2019 йилда мамлакат стационар кенг йўлакли интернет тизлиги бўйича 175 давлат орасида 9-ўрини, маълумотларни мобиль узатиш бўйича эса 140 мамлакат ўртасида 13-ўринни эгаллади. Шунингдек, Швеция сўнги ўн йилликда иқтисодийнинг истиқболли тармоқлари — рақамли технологиялар ва телекоммуникациялар соҳасида жиддий силжишга эришди. Ахборот технологияларининг мамлакат иқтисодиётидаги ўлуши 16 фоизга етиб, эндиликда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 6 фоизи IT санаятда банд.

Швециянинг камбағалликни қамайтириш борасидаги тажрибаси ҳам Ўзбекистонга асқотиши мумкин. Давлат молиявий қудратининг ўзига хос хусусияти мамлакатда рўйхатга олинган жами компанияларнинг 99 фоизини ташкил этадиган ва мавжуд иш ўринларининг 4/5 қисмини таъминлаган кичик бизнес корхоналари билан белгиланади. Янги корхона очилиш шартларининг ўта енгиллашти-

рилгани камбағалликка қарши қурашувчи асосий восита бўлса, ажаб эмас. Зеро, иш ўринларининг қўлайлиши аҳоли бандлигини оширади ва, ўз навбатида, турмуш фаровонлиги, мамлакат ободлигини таъминлайди. Ислохотлар натижасида ўтган йили 93 мингдан зиёд тадбиркорлик субъекти тизилди.

Соғлиқни сақлаш соҳаси ҳақида сўз борганда таъкидлаш жоизки, бугун Ўзбекистонда умр кўриш давомийлиги ўртача 73,8 ёшга тенг. Швеция эса бу борада ер юзиди энг юқори кўрсаткичлардан бирини қайд этган — 82,3 ёш. Бу ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар ўртача кўрсаткичидан 2,2 йил, дунё бўйича умумий кўрсаткичдан эса 9,9 йил кўп.

Ўзбекистонда айни пайт тикланадиган энергия манбаи етарли эмас. Маиший чиқиндиларни қайта ишлаш соҳасида мавжуд қучлар қаттиқ маиший чиқиндиларнинг атиги 6 фоизини қайта ишлашга етади. Бу жами 14-14,5 миллион тоннадан бор-йўғи 894 минг тоннага тўғри келади. Ўз навбатида, Швеция иқтисодийнинг барча тармоқларида “яшиллик” тамойилини қўлламоқда, тикланадиган энергия манбаи ва маҳаллий ёқилғидан фойдаланиш бўйича жаҳонда етакчи ҳисобланади. Эътибор берайлик, Европа Иттифоқининг умумий мақсади 2030 йилгача тикланадиган энергия манбаидан фойдаланиш даражасини 30 фоизга етказиш бўлса, Швеция ўшбу кўрсаткични 50 фоизга етказишни мўлжалламоқда. 2045 йилга бориб, мамлакатда бутунлай “иқлимий мувозанат” ҳукмронлик қилиши кутуляпти. “Volvo”, “Electrolux”, “ABB” ва бошқа қўллаб-саноат гигантлари замонавий энергия

“NORDEANING БОЗОР ҚИЙМАТИ 28 МИЛИАРД ЕВРО. УМУМЙ АКТИВЛАРИ 555 МИЛИАРД ЕВРО. БАНК БОШҚАРУВИДАГИ КАПИТАЛ 324 МИЛИАРД ЕВРОНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. МЕН КЕЛГУСИДА ЎЗИМ ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН БАНК ТАЖРИБАСИНИ ЎЗБЕКИСТОНДА РИВОЖЛАНТИРИШМОҚЧИМАН. ШУ БОИС, ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЎЗ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАНГАНИДА ЎЗ ФУҚАРОЛАРИ УЧУН ИШЛАЙДИГАН ДАВЛАТ ЯРАТИШ ИСТАГИДА ЭКАНИНИ ЭШИТИБ ЖУДА ХУРСАНД БЎЛДИМ.

тежамкор ускуналар тайёрлаш ва жорий этишга иштирослашган шўбча корхоналарини очмоқда. Швеция учун хос бўлган яна бир тажриба маиший чиқиндиларни қайта ишлаш ва электр ҳамда иссиқлик энергиясини энергия ва мавжуд ресурсларни тежаш нўқтани назаридан ишлаб чиқаришдир. Мамлакат бутунги кунда қарийб 97 фоиз маиший чиқиндиларни қайта ишламоқда. Бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир.

— Айтинг-чи, жаҳон иқтисодиётидаги қайси муаммолар сизни кўпроқ ташвишга солади?

— Жаҳон иқтисодиётида бутун дунё давлатларининг бир хил суръатларда ўсишига тўқинлик қилувчи иккита асосий муаммо мавжуд. Улардан бири Европада ҳам, АҚШда ҳам марказий банкларнинг жамиятдаги ўрни билан боғлиқ. Ўшбу давлатлар марказий банкнинг мамлакатни қўллаб-қувватлаш қобилиятига жуда таянади. Сўнги ўн йилда инфляция кескин осиб кетмасдан ёки мамлакат учун жиддий оқибатларга олиб келмасдан, ўсиб бораётган қарзлар ва мажбуриятларни молиялаштириш учун катта миқдорда пул босилди. Буни асосий актив валютанинг ўзи экани билан изоҳлаш мумкин — АҚШ доллари ва евро дунёда алоҳида мавқега эга. Масалан, агар Ўзбекистон бирданига АҚШ ёки Европа Иттифоқидикидек ҳажмида қўллаб-янги пул босиб чиқарса, гиперинфляцияга тушиб қолади. Бу эса, мамлакатнинг банкрот бўлишига олиб келади. Бу ўринда қучли валютага эга бўлган Ғарб давлатлари ҳар доим инқироздан бутун дунёга қараганда яхшироқ чиқади, бу дунё тенглиги учун катта муаммо. Шунинг учун валюта иттифоқини эътиборсиз қолдирмаслик керак!

Иккинчиси, албатта, атроф-муҳит ва иқлимга бепарво бўлмаслик зарур. Ҳозирги кунда иқлим тобора тез суръатлар билан ўзгариб бормоқда. Дунёнинг одатда совуқ бўлган қисмларида иссиқ ҳаво оқимлари кузатилади, иссиқ жойларда совуқ ҳаво оқимлари ҳукм сурмоқда. Аммо Европа ва Шимолий Америкада бу ҳақда кўп ўйлашмайди. Чунки бой давлатлар иссиқлик газларини қамайтиришни астойдил хоҳлашмайди. Улар учун даромад муҳим. Осиё

“ШВЕЦИЯ ТАЪЛИМ ВА ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИ СОҲАСИДА НАМУНА ДАВЛАТ. МАМЛАКАТДА ТАЪЛИМГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ДАВЛАТ МАБЛАҒИ ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТНИНГ 6,8 ФОИЗИГА ТЕНГ. БУ ЕИНИНГ 28 МАМЛАКАТИДАГИ ЎРТАЧА КЎРСАТКИЧ (4,6 ФОИЗ)ДАН 1,5 БАРОБАР КЎП ДЕГАНИ. ШВЕЦИЯ АҲОЛИСИ МАЪЛУМОТИ ДАРАЖАСИ БУТУН ДУНЁ БЎЙИЧА ЎРТАЧА КЎРСАТКИЧДАН СЕЗИЛАРЛИ ДАРАЖА ЮҚОРИ.

ва Африкада ҳам бу борада сизни қўллаб-қувватлашлари қийин. Улар учун аҳолини иш билан таъминлаш барча масаладан юқори туради. Менимча, ислом динининг ўрни қучли бўлган давлатларда бу борадаги ташаббусларга эришиш осонроқ. Чунки исрофгарчилик қандай ёмон оқибатларга олиб келишини ҳар бир мусулмон яхши билади. Лекин Ғарб дунёси бошқа мамлакатлар ижобий иқлим ўзгаришига эришиши учун бутун дунёга фойда келтирадиган грантлар орқали ёрдам бериши керак!

Яна бир муаммо мавжуд. 2050 йилга бориб, сайёраимиз нуфуси 10 миллиард кишига яқинлашиши тахмин қилинган. Ҳозирнинг ўзида 1 миллиардга яқин одам тўйиб овқатланиш имкониятидан маҳрум ва очарчиликка маҳкум. Муаммонинг иккинчи ва янада мураккаброқ жиҳати шуки, 2050 йилга бориб, аҳоли даромадларининг ўсиши натижасида озик-овқат маҳсулотларига талаб ҳам узлуқсиз ўсиб боради. Иқтисодийнинг инкор этиб бўлмайдиган объектив қонунлари талабига қўра, жамият ривожланган сайин аҳолининг эҳтиёжлари ҳам сон жиҳатидан кенгайиб, сифат жиҳатидан тақомиллашиб боради.

Глобал исишнинг салбий оқибатлари, уларнинг иқлим ва об-ҳаво ўзгаришларига қучли таъсири, экинзорларни ва қорва молларни суғоришга ярқоли тоза сув захиралари геометрик прогрессияда қамайиб бораётгани ва тобора қучайиб бораётган сув танқислиги муаммолари ҳам кишини ташвишга солади.

— Суҳбатларнинг бирида иқтисодий соҳадаги лойиҳаларини яратишмида менга бадий асарлар илҳом беради, деб қайд этган экансиз...

— Таъкидлаганимдек, оиламизда дадам бизни ўзбек адабиёти билан жуда эрта таништирган. Айниқса, Абдулла Қодирининг “Ўткан кунлар” романи ҳақида ўзгача иштиёқ ва эҳтиром билан сўзлаб беради. “Сенинг исмининг бежиз Отабек деб қўйилмаганман, ўғлим. Мен сени Абдулла Қодирий таърифлаган шу инсон каби миллатпарвар, адолатли ва муруватли бўлишингни истаيمان”, деб кўп тайинларди. Айни пайтда, ҳалқимиз тарихи билан боғлиқ асарларни жуда ҳушёрлик билан мутолға қилишимни таъкидлаган. Озодлик қурашчиси бўлган ажодларимизни “босмачи” дея аташгани, уларга қандай зулм кўрсатилгани ҳақидаги китобларни ҳам яширинча қўлиб берган. Бобур Мирзо газаллари ва рубоийларига навбат келганида хо-надонимизда мушоира қизигандан қизиб кетар эди. Мен ҳаммаша шуоринг: “Ким етар мақсадга ҳар ким, бўлса ул бедорроқ”, деган мисраларини такрорлашни яхши кўрар эдим.

Ҳозир 4 фарзанднинг отасиман. Улар билан кўпроқ суҳбатлашишга, ўқиган асарлари бўйича мунозара қилишга ўринаман. Айниқса, Пауло Коэльонинг “Алкимёгар” асарини қайта-қайта мутолға ва таҳлил қилишни ёқтираман. Шунингдек, фарзандларимга кўпроқ миллий адабиётимизни ўқиш зарурлигини таъкидлайман. Мени хурсанд қилиш учун улар электрон кутубхонадан ўзбек адабиёти асарларини топиб, оилавий тўпланадиган қўнимиз ўша асарлар ҳақида сўзлаб беришади. Ҳа, биз Ўзбекистонни жуда яхши кўраман. Она юртимизини ҳар кун, ҳар дақиқа йўқлайман. Ўз иқтидоримиз ва изланишларимиз билан бу қўёсевар юрт равнақига ҳисса қўишини шараф деб биламиз!

“Янги Ўзбекистон” мухбири Мухтасар ТОЖИМАТОВА суҳбатлашди.

